

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 760-ҳадис

760 - وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَالِسًا مُقْعِيًّا يَا كُلُّ تَمَرٍ

. [2044] رَوَاهُ مُسْلِمٌ

«المُقْعِي» هُوَ الَّذِي يُلْصِقُ أَلْيَهِ بِالْأَرْضِ، وَيَنْصِبُ سَاقِيهِ.

760. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васалламнинг ўтирган ҳолда* хурмо еяётганларини кўрганман».

Имом Муслим ривояти.

* «Ўтирган ҳолда» деб таржима қилинган жумла матнда «муқъиан» деб келган бўлиб, кетини ерга қўйиб, болдирларини тик қилиб ўтиришни билдиради.

Шарҳ: Бизда икки тиззани қорин томонга тортиб ўтиришни чўнқайиб ўтириш, дейилади. Шу ўтиришда орқани ерга текказилса, арабларда «икъо» дейилади. Анас розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллалоҳу алайҳи васалламнинг ана шундок ўтирган ҳолларида хурмо тановул қилаётганларини кўрган эканлар. Демак, бу ҳам жоиз.

Манба: hadis.islom.uz



